

Уйдан чиқиш ва унга кириш дуоси

05:00 / 02.03.2017 59445

Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларида чиқадиган бўлсалар, «Бисмиллаҳи, таваккалту алаллоҳи, Аллоҳумма, иннаа наъузу бика мин ан назилла ав нузолла ав назлима ав нузлама, ав нажҳала ав южҳала алайнаа», дер эдилар».

Шарҳ: Дуонинг маъноси: «Бисмиллаҳи, Аллоҳга таваккул қилдим. Аллоҳим! Албатта, биз Сендан тойилишдан, залолатга кетишдан, зулм қилишимиздан ва зулмга қолишимиздан, жоҳил бўлишимиздан ва бизга нисбатан жоҳиллик қилинишидан паноҳ тилаймиз.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Киши уйдан чиқаётганда «Бисмиллаҳи, таваккалту алаллоҳи, ва лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳи» деса, ўша пайтда унга «ҳидоят қилиндинг, кифоя қилиндинг ва сақланинг», дейлади. Шайтон ундан четланади. Бошқа бир шайтон ҳидоят қилинган, кифоя қилинган ва сақланган одамга: «Ҳолинг қандай?» дейди».

Иккисини «Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Шарҳ: Ушбу дуони ёдлаб олиб, уйдан чиқаётганда ўқиб юришга одатланиш лозим.

Абу Молик Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Киши уйга кирганда «Аллоҳумма, инни асъалука хойрал мавлажи ва хойрал махражи.

Бисмиллаҳи валажна ва бисмиллаҳи хоражна ва алаллоҳи, роббина таваккална» десин. Сўнгра аҳлига салом берсин», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Дуонинг маъноси: «Аллоҳим! Албатта, мен Сендан яхши кириш ва яхши чиқишни сўрайман. Аллоҳнинг исми ила кирдик. Аллоҳнинг исми ила

чикдик. Роббимиз Аллоҳга таваккул қилдик».

Ушбу дуони ёдлаб олиб уйга кираётганда ўқиб юришни йўлга қўймоқ лозим.